

Ушбу сонда:

2

КОРХОНА ПРОФИЛАКТОРИЙСИ

3

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

4

Бор бўл, оқибат! МЕХРИБОНЛИК УЙИ БЕКАСИ

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мустақил Ўзбекистонимизда турли даражадаги спорт мусобақаларини ўтказиш одат тусини олган. Мазкур хотин-қизлар спартакиадасига ҳам алоҳида тайёргарлик қўрилди. Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи ўзгача чирой бахш этди. Уйингоҳда том маънода кўтаринки кайфият ҳукми сурмоқда. «Баркамол авлод - 2005» спорт ўйинлари муносабати билан тамомила ўзгача чирой очган Гўша яна ўрт кун мобайнида хаяжонли онларга гувоҳ бўладиган бўлди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қатор жамоарма, ташкилотлар ҳамкорлигида биринчи бор ташкиллаштирилган спартакиадада Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят босқичларида қўлгача киритган 400 нафарга яқин аёллар волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниса, шохмот, шашка, арқон тортиш, сузиш каби спорт турлари бўйича беллашмоқдалар.

А. ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири

ОРОЛБЎЙИ

ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЮТУФИ

Қорақалпоғистонлик пиллакорлар давлатга пилла сотиш шартнома режасини бажардилар. Пилла қабул қилиш шохобчаларига 540 тонна юқори сифатли хомаш этикази берилди.

Бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришилмади, дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Пилла» акционерлик бирлашмаси бошлиги Болтабой Холмуратов. Асосий эътибор уруғ сифатига қаратилди. Хитойдан, Шунингдек, Навой ва Хоразм вилоятларидан олиб келинган бир неча минг қўти ипақ қурти уруғи мавжуд 129 та инкубацияда тайёрланди, пиллакорларимизга тарқатилди. Биз билан шартнома тузган 11 та ширкат ҳужалиги, 880 та фермер ҳўжалиги пиллакорлари сидқиқидан меҳнат қилди.

Юксак хирмонга Амударё, Тўртқўл, Элликкальва, Беруний тумани пиллакорлари катта ҳисса қўшди. Шартнома режасини 150 фоиз удалаган қўғайилик, 132 фоиз бажарган чимбойлик, 110 фоизга етказган ҳўжайилик пиллакорлар айниқса юксак натижаларни қўлга киритдилар.

Қорақалпоғистонликлар пилла хирмонини 550 тоннага етказишни мўлжалламоқда.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Матбуот эркинлиги ва демократиялашувини таъминлаш борасида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. «Зеро» давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби иштирокидаги йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда юртимиз оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилётган катор амалий чоралар бунинг яна бир исботидир.

Шуни инобатга олган каси йўналишида аниқлана-холда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистлари қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда мамлакатимизда матбуотнинг келгусида янада ривожланиши, унинг халқро талаблар ва андозаларга, юртимиз манфаатларига мос бўлишини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳар йили 3 май - Жаҳон матбуот эркинлиги кўни арафасида бериладиган Миллий мукофот таъқис этиш тақифи билан қилди.

Мукофот соҳиблари телевидение, радио, матбуот ҳамда интернет журналисти-

(ЎЗА)

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 10 июн, жума № 91 (1932)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ғаллани ўриб-йиғиб олишда Наманган тумани вилоятда олдинги ўринларда кетаётганлигини эшитиб, фермер хўжалиқларининг хиссаси катта бўлганлигидан хабар топиб, манзилга етиб борганимизда соат миллари эрталабки етти яримни ҳам кўрсатмаган эди.

Хали, бошлиқ келгани йўқми? - сўрадим туман фермерлар уюшмасига кириб навбатчи йиғидан.

Ғалим навбатчиға малол келгандек бўлди. - Нима деяпсиз, ака, бизда ўрим бошланганидан бери уйга кетиш йўқ, идорада тунаямиз. Бошлиқ туман ҳокимлигига чиқиб кетди, қандайдир масалани ҳал қилиш керак экан...

Дарҳақиқат, шу пайт Ҳамиджон Уринов бир тутам қозони қўлига ушлаб эшикдан кириб келди.

Эрталабки муштан ҳам қайтма, деганлар. Навбатчи келтирган чойдан бир-икки пиёла ичган бўлди.

Ҳозир кунимиз шунақа ўтапти, - Ҳамиджон хонадаги диван устида турган кўрпа-ёстиққа ишора қилди. - Сўнг тонг сахарлаб туман ҳокимлигига кириш сабабини тушунтирди. - Гоҳо техниканинг захира қисмидан зориқиб қоляпмиз, шунга ҳокимнинг ўзига чиқиб қўя қолдик.

Иш битими ишқилиб?

Ха, гаплашиб олдик. Ҳозир ғаллароз ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. Кечагина яшил денгиздек чайқалиб турган кўз етмас пайкаллар сарғимтур тусга кирган ва оғир торган бошоқларини осылтирганича мудрайди.

Бугунги кунда туманимизда 283 та фермердон этиштиряпти, - дея туман ғалларозларини айланар эканмиз сўзида давом этади Ҳ.Уринов. - Башоқчасига айтганда 2372 гектар майдонда дондан деҳқончилик қил-

ЎЗ ДОНИМИЗ - ШИРИН НОНИМИЗ

вазифа қадам-бақадам ўз ижросини топмоқда. Холбуки, 2003 йил ва 2004

бир қаторда қайси далада иш бораётган бўлса, ушарнинг ўзига вагончалар

Хирмонга барака!

ги мавсумни муваффақиятлиги ҳамда қисқа муддатларда ўтишлиги учун за-

кўрсаткичи ана шу даражага етди. Шунингдек, Салохиддин Абдуллаев бошқараётган «Абдулло ота», Абдужаббор Сиддиқов бошқараётган «Муҳаммад Сиддиқ» ва бошқа бир қатор фермер хўжалиқларида ҳам ҳосилдорлик 65-66 центнердан ошиб кетди ва улар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ҳўш, ҳосилдорлик ошишидан фермер кўраётган моддий манфаатдорлик қандай бўлмоқда?

Бу томондан ҳамма хурсанд, - дейди саволимизга жавоб қайтарар экан Ҳ.Уринов. - Фермерчи «Абдулло ота» Чунорчи хўжалигини мисолга олайлик, режалаштирилгани бўйича сотилган 30 тонна ғалланнинг тенг ярми давлат нарҳида, унинг қолган 15 тоннаси эркин баҳода етказиб берилди. Ҳўш, қолдирган 35 тонна ғаллани оиласи эҳтиёжи учун ишлаб, қолаверса, ишловчиларга тақсимлайди, бозорга чиқариб сотади ва ҳоказо. Бошқа фермерлар ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Ҳуллас, шу кунда туман фермерлари ғалларозларида ҳаёт қайнамоқда. Барчаннинг фикри эйтири катта меҳнат билан зикиртирган ғалла ҳосилини тез ва соз йиғштириб олиб эл тўқинчилигига хисса қўшиш. Туманда бу йил этиштирилмаган ва сотиладиган доннинг 50 фоизини бунёд этиш зими-маларига юқлатилган фермерлар ўрим-йиғимни тобора тезлашмоқдалар. Бугун-эрта бу борадаги йиллик марафони забт этилади. Бу ёғи, донлар айтмоқчи, қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой.

О.ЖУМОНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири



йил ғалла ҳосили пули ноябр ойи охирига қўрилган эди. Шунга мувофиқ ҳосилини йиғштиришда иштирок этаётганларга ҳам ўз вақтида иш ҳақини бериш боришга эришилмоқда. Қолаверса, комбайнчиларнинг ҳар бирига мавсум арафасида 35000 сўмдан пул берилганлиги ҳам уларни ишга нисбатан қизиқтиришига сабаб бўлди. Бундан ташқари, ўрим-йиғимда қатнашаётган барча ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилган. Кўнига 3 маҳалдан иссиқ овқат тайёрланаётганлиги билан

келтирилиб, ишлаётганлари вақтида ухлашлари ва дам олишлари ташкил этилмоқда. Ҳар бир ўрим-йиғим гуруҳи ўзининг ҳаво теле-фонига эга. Ушбу қўлаш алоқа тармоғи орқали ишталган вақтда техника хизмати кўрсатувчи «Гилдирақли устахона»ни чақириш мумкин. Шавкат Шохобиддинов бошқараётган ва Шавкат Матмусев бош муҳандис бўлган ҳамда Анваржон Умаров механиклик қилмаётган ушбу гуруҳи шу кунда комбайнчиларнинг ҳақиқий қумакдошига айланган.

Ўрим-йиғим омилкорлик билан уюштирилганли-

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унга кенг йўл очиб бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Паркент туманида ҳам муайян ишлар қилинапти. 2001 йилда ташкил этилган «Таъминотчи Хоним» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси ҳам ўз харидорларига эга бўлди. Бу ерда болалар, эркаклар, аёллар уст кийимлари тикилмоқда. Ҳозирда маҳсулот тури 20 хилдан ошиб кетди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар самараси ўлароқ савдо фирмаси фаолиятини йўлга қўйдим, - дейди корхона раҳбари Сайёра Қунчибоева. - 2002 йилда банк кредити асосида фирманга оёққа тургаздим. Айни пайтда мактаб ўқитувчилари учун форма тикляймиз. Энг асосий эътибор ўзбек миллий кийим-кечақларини ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Мен яна банкдан кредит олиб фаолиятимни кенгайтирмоқчиман.

Суратларда: тикувчилар Лобар Туропова, Шоира Миразимова ва Наргиза Юнусова.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар



ЎРТА ОСИЁНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ

Кўпгина оммавий ахборот воситаларида 13 май кўни Андижон шахрида, айримлар фикрича, юзлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган воқеаларнинг янги тафсилотлари батафсил баён этилмоқда. Халққаро оммавий ахборот воситалари Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов яна бир бор «жамоатчилик норозилигини» гўёки қонли ва шафқатсиз тарзда бостирди, деб бўҳтон ёвдирди. Айни пайтда содир этилган воқеа бўйича мавжуд тафсилотлар асосий иштирокчилар қимлар ва улар қандай яқиний натижаларни қўзлагани ҳақида аниқ таъсир бера олмайди.

Шундай бўлса-да, Лондон омилли хисобга олинмас экан, жумбоқнинг ечим топилмаслиги аниқ. Бу жумбоққа жавобни Лондон, Бирмингем, Бредфорд ва Ливерпулдан излаш керак. Ҳойнаҳой, Буюк Британиянинг собиқ разведкачи офицери Бернард Льюис бошчилигидаги эски мустамлакачилик мафкураси Марказий Осиёда қўзғатилган қўзғилишга олиб келиши лозим бўлган воқеаларнинг кетма-кетлигини белгилаб берди. Балки, Лондоннинг асосий мақсади доний таҳдид ўчоғини ташкил этиш йўли билан Хитой ва Россияни тизгинлаб туришдан иборатдир. Айни пайтда ушбу «Льюис доктринаси» учун Британияда тарбияланган исломчилар - «Хизб ут-Тахрир» аъзоларидан бўлак қим ҳам ўғри келар эди.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ АҲАМИЯТИ

Андижонда содир этилган зўравонликнинг энг муҳим жиҳати - бу воқеа айнан Фарғона водийсида юз берганидир. Негаки, бу ерда урта собиқ шўро республикаси - Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўзаро туташган. Андижон шаҳри Қирғизистон Президенти Аскар Акаевга қарши март ойида қўзғолон кўтарилган ўшдан тақминан 25 мил (40 километр) узоқликда жойлашган. Маълумки, ўшда қўзғолон бошланганидан кейин 48 соат ўтгач, Акаев истаъфога чиққан эди. Шунингдек, Андижон Намангандан ҳам 25 мил узоқликда жойлашган. Халок

бўлган Жума Намангоний ҳам илдири Наманганга бориб тақдирдан ҳаракат етакчиси бўлган. Фарғона водийсида 7 миллион аҳоли истиконада қилиб ва у Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп худуди ҳисобланади. Бошқача айтганда, Фарғона водийсининг қўқ марказида жойлашган Андижон водийни назорат қилиш учун ҳам гоят қўлайдир.

Кўп йиллардан буён Марказий Осиё ҳўкуматлари водий ушбу худудда ислом давлатини ўрнатишга интилаётган диний экстремистлар ўчоғи ҳисобланишини таъкидлаб келади. Аҳолисининг аксариятини ўзбеклар ташкил этадиган водий шўро давридан қолган чалқаш чегаралар орқали Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида бўлинган. Бу чегаралар кўпичинча бир давлат худудини бошқа мамлакат чегаралари доирасида қолдирган. Ўзбекистонда водийнинг асосан текис қисми, Тожикистонда унинг кўйи қисми, Қирғизистонда эса юқори қисми жойлашган. Водийнинг кўйи қисми тор бўлишига қарамай, худуди 22000 квадрат километри (8500 квадрат мил) ташкил этади. Унинг атрофиди Помир ва Тянь-Шань тоғлари водийни сув билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

Шўро даврида водий пахта ва пилла этиштирилмаган асосий жой бўлган, баланд тепаликлар эса ёнқорорлар билан қопланган. Шунингдек, водийда унчалик катта бўлмаган нефть ва газ захиралари бор. Бу вазиет ҳозир ҳам де-

ярли ўзгаргани йўқ. Бироқ 90-йиллардан, яъни Совет иттифоқининг парчаланиши билан «эркин дунёга» интеграциялаш шарафига у ердаги вазиет анча ўзгарди. Бу эса ушбу мамлакатларда иқтисодий пасайиш, радикал-экстремистик гоялар ва оқимларнинг қириб келиши, ташқаридан бошқариладиган ва таъминланадиган бузуқунчи кучларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Яқинда Қирғизистон оммавий ахборот воситалари мамлакат чегара назорати ходимлари томонидан Қирғизистонга чет эл фуқаролари ва фуқаролик бўлмаган кишиларнинг ноқонуний қириб келиши кўпайиб бораётгани аниқланганини маълум қилди. Шуни таъкидлаш мумкинки, бундай жангарилар самолётлардан парашютлар билан ташлангани йўқ - улар Афғонистон ва Покистон орқали қириб келмоқда. Бу Хиндистон, Хитой ва Россия учун ҳам секин ҳаракатта келадиган бомбадир.

ХОРИЖИЙ КУЧЛАР АСКАРЛАРИ

Фарғона водийсида турли динларни тарғиб қилувчилардан ташқари иккита асосий ислом гуруҳи фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий мақсади Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозғистонда мавжуд тузумни ўзгартиришдан иборат. Булар Ўзбекистон ислом ҳаракати (УИХ) ва «Хизб ут-Тахрир» (ХТ). Ўзбекистон ислом ҳаракати кўч ишлаши усуллари билан иш олиб бораётган бўлса, «Хизб ут-Тахрир» эса қароргоҳи жойлашган Буюк Британия томонидан тинчликсевар ҳаракат сифатида фаол тарғиб қилинмоқда. Бироқ мавжуд маълумотлар УИХ ва ХТ биргаликда иш олиб бораётганини қўрқатади. Халққаро террорчилик ташкилотлари бўйича эксперт Ролан Ганаратнининг фикрича, УИХнинг кўпчилиги янги аъзолари ХТ издошлари ҳисобланади. Ганаратнининг таъкидлашича, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда террорчилик ҳаракатларини режалаштиришда гумон қилинади.

Ҳайх Мухаммад Холид ва Американинг Ироқдаги оккупация қилувчилари қаршилик қўрқатишининг фаол иштирокчиси, келиб чиқиши чечен бўлган иорданиялик Абу Мусоб аз-Зарқави ҳам илгари ХТ аъзолари бўлган.

Толубон ҳаракати билан УИХ 2001 йилнинг 11 сентябрга ҳам ўзаро алоқада бўлган. 1996 йилнинг сентяб-рида Толубон ҳаракати Қобул-ни қўлга қиритгандан сўнг УИХ асосчилари ҳисобланган Жума Намангоний ва Тоҳир Йўлдошев Афғонистон пойтахтида матбуот анжумани ўтказиб, Ўзбекистон ислом ҳаракати ташкил этилганини эълон қилган. 80-йилларда Афғонистонда совет десантисчи сифатида хизмат қилган Намангоний гуруҳ етакчиси (ёки амири), Тоҳир Йўлдошев эса кўмондон бўлган. Уларнинг мақсади Ўзбекистонни ва пировардиди Марказий Осиёни ислом давлатига айлантириш эди. Толубон уларга бошпана ва тайёргарлик қўриш учун машғулот лагерларини берди. Шунингдек, Тоҳир Йўлдошев ва Усома бин Лудин Афғонистонда ўзаро тил топишиб, бир-бирига ёрдам бергани ҳақида маълумотлар бор.

Ўз фаолиятини Марказий Осиёга қаратган УИХдан фарқли ўлароқ, ХТ халқаро ислом ҳаракати ҳисобланади. Унинг қароргоҳи Лондонда жойлашган бўлса-да, Бирмингем, Ливерпул ва Бредфорд шаҳарларида ҳам уюшган ҳолда фаолият юритмоқда. Британия гуруҳи 1988 йилда Саудия Арабистонидан қувилган ва Буюк Британиядан паноҳ толган Умар Бақрий Мухаммад томонидан ташкил этилган. ХТнинг амалдаги етакчиси Жалоуддин Пател эса келиб чиқиши хиндистонлик бўлиб, ахборот технологиялари бўйича мутахассисдир. «Хизб ут-Тахрир» 1953 йилда таниқли диний арбоб, Қуддус шариат апелляцияси судининг судьяси Тақийуддин ан-Набахоний ал-Фаластиний

(1909-1979) томонидан Фаластинда ташкил этилган. Гуруҳнинг биринчи инглизча веб-сайти Лондон империя коллежи базасида очилган бўлиб, кўп ўтмай коллеж раҳбариятига тўшган шикоятлардан сўнг янги провайдер топилгунча ёпиб қўйилган. Ҳўш пайтдан бошлаб гуруҳ веб-сайтини ўз номи билан - Хизб ут-Тахрир деб юрилади.

Гарчи, ХТни Британия ҳўкумати кўч ишлашмайдиган гуруҳ деб ҳисобласа-да, Бақрийнинг бин Лудин билан алоқадор эканлиги кўпчиликка маълум. Бин Лудиннинг факс орқали 1998 йилнинг ёзида Афғонистондан Бақрийга йўллаган хатидан кўчирмалар «Los Angeles Times» газетасида чоп этилган. Бақрий кейинчалик бин Лудиннинг АҚШга қарши жиҳоддан қўзлаган тўртта асосий мақсадини баён этган: «Уларнинг авиалайнерларини уриб тушириш. Кемаларининг бехатар ўтишига йўл қўйман. Элчиҳоналарини қўлга олинг. Компаниялари ва банкларини ёпиб қўйишга мажбур қилинг». ХТ издошларининг кўпчилиги гуруҳнинг бунчалик эҳтиёсизлик билан ҳаракат қилишига қизиқиб қолмиши. Масалан, унинг веб-сайтида 2003 йилда «Имомнинг Ўзбекистон мусулмонлари номидан илтиқоси» эълон қилинган эди. Ушбу мақолада «Имом» Ўзбекистондаги мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлашга даъват этади. Иордания ва Туркия ҳўкуматларини ағдариб ташлаш тўғрисида ҳам шунга ўхшаш баёнотлар берилган эди. Булар - қуруқ дўқ-пўлиса эмас, ХТ улкан ташкилот. Айрим маълумотларга кўра, Марказий Осиёда унинг ўн мингга яқин фаол аъзоси бор. Яна бир неча миң аъзоси Покистон ва Афғонистонда яширишган. ХТнинг аъзолари Шимолий Африкада ҳам кўпчилики ташкил этади. (Давоми 3-бетда)

# 2005 йил – Сухат-саломатлик йили КОРХОНА ПРОФИЛАКТОРИЙСИ

**Олмалик тоғ-металлургия комбинати ўз маҳсулотлари билан дунёга танилган корхоналардан бири. Бундай шарафга эга бўлишда кўпмиллатли жамоянинг хизматлари катта. Ана шу бунёдкор кишиларнинг яхши дам олишларини ташкил этишда, саломатликларини муҳофаза қилишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

Корхона тасарруфидоги санаторий-профилакторий иши билан танишсангиз, бу ерда ишчилар саломатлигини химоя қилиш учун алоҳида гамхўрликлар қилинаётганлигини гувоҳи бўласиз. Аввало, 200 киши дам оладиган даргоҳда даволанувчилар учун қулай шaroитлар яратилганлигини эътироф этиш лозим. Саранжом-сарийшта хоналар, маданий дам олиш учун яратилган шaroитлар, жихозлар маъмурият ва касба уюшма ташкилоти баҳамжиҳат фаолият юритаётганлигидан далолат бериб турибди.

Маълумки, комбинатнинг ишлаб чиқариш цехларида, тоғлар бағридаги конларда зарарли шaroитда меҳнат қилаётган кишилар бор. Уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун кўплаб қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда. Профилакторийда ишчилар соғлигини тиклаш борасида кўпроқ самардорликка эришиш мақсадида ҳамма имкониятлар ишга солинган. Муҳолажалар бўлими жойлашган икки қаватли махсус иморатда даволаниш 20 дан ортиқ тури йўлга қўйилган. Уляна Ким, Умид Пулатова каби мутахассис ҳамилар, Галина Мустафоева, Оли Осмонова, Шавак Асанова, Ирина Трофимова каби тажрибали ҳамширалар ўз ишларини пухта бажаришади. Гидроаэроизация, ингаляция, қўл билан ва механик уқалаш, балчик, озокеритлардан ташқари дўш билан даволанишнинг 4 хил, сув ванналарининг 4 хил, саунга хизмати даволанувчилар ихтиёрида. Булардан ташқари, бу ерда унча-бунча санаторийларда учрайвермайдиган нина билан даролаш, 6 хил ўсимликлардан шарабат тай-

ёрлайдиган фитобар, барока-мера бор.

Профилакторий ошхонаси даволаш бўлимига бirlaшиб кетган бўлиб, ҳамма таомлар буюртма асосида тайёрланади. Бунда асосан даволанувчиларнинг аҳоли эътиборга олинади. Утган йили ўтказилган вилоят профилакторийлари ошпазлари кўрик-танловининг ғолиби Мария Анисимова, кўп йиллардан бун шу ерда меҳнат қилаётган Валентина Азимова каби ошпазлар тайёрлаётган 6 хилдаги маза-ли таомлар дам олувчиларнинг соғлигини тиклашда кўмак берувчи даво бўлиб ҳам хизмат қилади. Хуллас, бу ерда амалга оширилган ҳамма тадбирлар даво истаб келган ҳар бир ишчининг самарали хизматдан баҳраманд бўлишларига эришиш мақсадида йўлидаги ҳаракатдир.

Профилакториймида 105 нафар ходим меҳнат қилади, - дейди бош шифокор Рустам Назирқулов. - Уларнинг ҳаммаси тез-тез малака ошириб келишмоқда. Ходимларимизга ойлик маошига қўшимча равишда корхона томонидан маош тўланади. Бундан ташқари, улар ҳар бир байрамда маъмурият ва касба уюшма ташкилоти томонидан рағбатлантирилади. Касба уюшма ташкилоти бу ерда даволанаётган ишчилар учун яна бир ишни йўлга қўйган. Яъни ҳар ойда дори-дармонлар учун 200 минг сўмдан маблағ ажратилади.

Жорий йилда мазкур даволаш мақсадида 15 миллион сўмга тиббиёт ускуналари, 250 минг сўмга спорт анжонлари ва кутубхона учун 500 минг сўмлик янги адабиётлар харид қилиш режалаштирилган.

**Т.ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири**



## НОРИНЛИКЛАР ЗАФАРИ

Норин тумани пиллакорлари бу йил 3252 қути ипак куртини парваришлаб, мўл хирмон яратишди. Қабул пунктларида 171 тонна саноатбop хомашё топширилди. Ҳар қути ҳисобига етиштирилган ҳосил ўртача 53 килограмми ташкил этди.

Қўлга киритилган муваффақиятга «Катта Ўлмас», «Оқ олтин», А.Шамсиддинов номи МТП худудидаги фермер ҳўжаликлари салмоқли улуш қўшишди. Замира Султонова, Маъруф Ботиров, Алишер Темиров каби пиллакорлар сифатли пилла тайёрлашиб, ҳар

қути ҳисобига ҳосилдорликни 60-70 килограммга етказишди.

**Суратда: пилла сотиш режасини ортга билан бажариб, махсус совринни қўлга киритган Дилбархон ва Шаҳнозахон Раҳимовалар.**

**Р.МИРЗАОЛИМОВ олган сурат**

## ХАДИЧА ОПАНИНГ ХУНАРМАНД КИЗЛАРИ

Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида «Хадича» кўп тармоқли хусусий фирмаси ташкил этилганга қариб ўн йил бўлди. Унга тадбиркор аёл Хадича Воҳидова раҳбарлик қилади. Ана шу йиллар ичида бу ердан кўлаб қизлар хунар ўрганиб ҳаётга йўлланма олди.

Шу йилнинг ўзида каш-тўзўлик, зардўзлик, тиквучилик сир-синоатларини ўрганаётган шогирдларнинг 200 нафарга етди, - дейди Хадича опа. - Корхонамиз-

да касб маҳоратини пухта эгаллаган хунарманд хотин-қизларнинг баъзилари фирмамиз буюртмаси асосида уйларида касаначилик билан шуғулланмоқда. Юз нафарга яқин аёл бевосита цехлари-мида ишлайди.

Хусусий фирмада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, корхонада наққошлик, чи-лангарлик, пойафзал тўза-тиш цех ва устaxonалари, но-ввойихона, кандолатчилик шo-хобчаси, сартарoшхона, фо-тосалон ҳам ишлаб турибди. Фирма хизматидан Тош-ўлат Ҳамид номи маҳалла ахли беҳад мамнун. Илгари кўпгина хотин-қизлар уй юмушлари билан ўралашиб қолганди. Хадича опа улар-

ни фирмага жалб этиб, касб ўргатди ва иш ўринлари билан таъминлади. Йил охири-гача яна 50 нафар хотин-қизга касб ўргатиш, цехларни эса иккитага қўлайтириш юза-сида иш олиб боришмоқда.

Бугунги кунда «Хадича» фирмаси белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-ларни юртимизнинг барча жойларида учратиш мумкин.

## БОЎВУТЛИК ЧЕВАРЛАР

Бобўв туманидаги «Но-дир» хусусий фирмасида спорт кийимлари ва мактаб-лар учун кураш гиламлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда фирмада

ўттиз нафарга яқин хотин-қиз гиламдўзлик ва тиквучилик билан банд. Олтигача дастгоҳ ўрнатилган гиламдўзлик цехида асосан со-ва гиламлари тайёрлана-ди. Турли русумдаги тиквучилик қилаётган чеварлар эса кўрпа-тўшаклар, қўлқоп-лар, мактаб ўқувчилари либослари тикмоқда. Айти пайтда бу ерда эркаклар ва аёллар уст кийимлари ҳам тайёрланаётди.

Фирма чеварлари кел-гусида пахтакорлар учун те-рим этаклари, шунингдек, корхоналарга ишчи кор-жомалари тикиб беришни режалаштирмоқда.

(ЎзА)

# Рағбат ИШЧИЛАР ИШГА «ДАМАС»ДА БОРИШАДИ

Маъруф Гофуров ҳам минглаб мирзачўлликларнинг бири. У янгилик яратиб, ҳеч қимми дол қолдиргани йўқ. Фақатгина қалб амрига қўлоқ тўтиб адашмади. Қишлоқ ҳўжалигидаги ислoхoтларни тез англаб етди. Далада суяги қотган эмасми, бу соҳада ўзини синаб кўришдан қисинмади. Бундан ўн уч йил илгари илк қалдирғoч фермерлар қаторида ерга талабгор бўлди. Ҳовос тумани Ҳамза номи ҳўжалик экин далаларидан 64 гектарини ажратиб олди.

Шўрага макон бўлган далага давьогар бўлган муаллим устидан қўланлар кўп бўлди. Ахир деҳқонлар безган далага домланган кучи етарикан, дейишди улар. Шина синф хонаси қайда-ю ўнқир-чўнқур дала қайда, дегувчилар ҳам анча-мунча эди. Аммо Маъруф Гофуров бошлаган ишни ташлаб қўядиганлардан эмас. Астойдил ишлади. Далани бегона ўтдан тозалаб, таг-томири билан териб олди. Тадбиркор деҳқонлар маслаҳатидан чиқмади. Илк йили шўр бoсган далаларга шoли экиди. Гарчанд қутилган хирмон кўтарилмаса-да, ер тозаланди. Пахта-галла экиш имкони яралди. Қийналган чоғлари унга далда бериб, бошлаган ишга барор тилаган турмуш ўртоғи Оразгул Гофурова ҳам мактабдан бўш пайтлари дала юмушларидан бўйин товламади.

Ҳосилдорлик йилдан йилга ошди. Орттирилган даромаддан зарур техника воситалари олинди. Кетмон билан бошланган ҳаракат техника зиммасига топширилди. Эндиликда фермер қудрати ошди. Ҳеч қимга муҳтожлик йўқ. Аксинча техникадан қўшни фермерларга ҳам кўмак-лашилмоқда. Иқтисодий қувват юксалиб, умумий ер майдони 145 гектарга етказилди. Хонадондаги велосипед ўрнини «Дамас», «Нексия» эгаллади. Эъзоларни ишга «Дамас»да ташвиш имкони пайдо бўлди.

Утган йили галладан юқори ҳосил олинди. Барча аъзолар меҳнати муносиб тақдирланди. Пахтачиликдан 12 миллион сўм соф фойда қўрилди. Бу йил эса 97 гектар ерга галла экишди. Бошоқлар пишиб етилди. Ҳосил қўғидан тадбиркорлар мамнун. Улар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил чамалашаяпти.

Фермер ҳамқишлоқларидан ўн нафар кишини дала юмушларига жалб этган. Ҳўжалиkning ҳар бир аъзоси 2 тоннадан галла, пахта ёғи, чорва озукаси билан таъминланиб келинапти. Дала юмушларида иштирок этаётганлар учун иссиқ овқат ташкил этилган.

Меҳнат ҳақоний баҳосини топиши керак, - дейди фермер. - Биз ҳар бир ишловчи меҳнатига яраша ҳақ тўлаб беришга интилаамиз. Аъзоларимиз оиласи аҳолидан доимо хабардор бўлиб, улар қувонч-у ташвишига шерик бўлаяпмиз. Ҳақ тўлашни ҳеч маҳал пайсалга солмаймиз. Ишчиларимизга зарурат туғилганда, мuddати-дан олдин ҳам ҳақ тўлаямиз. Чунки деҳқонда лафз бор. Ҳали ҳеч бир аъзосим панд бермаган.

Дарҳақиқат, «Омад» фермер ҳўжалигига омад ёр бўлаётди. Ишлов, сув ўз фурсатида берилмоқда. Шу боис тадбиркорлар парваршиллаётган 25 гектар майдондаги пахта дуркун ўсмоқда. Ҳўзалар кундан-кун кўкка бўй чўзаяпти.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

Олтириқ туманидаги «Им-кон ММ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси вилоят саноатида муҳим ўрин тутаяди. Бу ерда қурилиш хом-ашёси - миҳ ишлаб чиқарилади.

Аҳолининг қурилиш хом-ашёсига эҳтиёжини қондириш мақсадида 2001 йили корхонани ташкил қилдик, - дейди корхона раҳбари Муҳторжон Аюбжонов. - Бу ерда йигирма саккиз иш ўрни яратилди. Махсулотта талаб кундан-кунга ортапти.

Корхонада ўн икки цех ишлаб турибди. Утган йили беш миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чoра-тида бу кўрсаткич 70 миллион сўмга етказилди.

**Суратларда: (чапдан) миҳ ишлаб чиқариш цехи ишчилари Бахтиёр Қорабoев, Абдужаббор Парлиев, цех устаси Мамарасул Камолoв; Олтириқ туманидаги «Имкон ММ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси Адҳам Болтабoев.**

**М.КОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**



## ОИЛА САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Туман ва шаҳар ФХДё бўлими-да фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва далoлатнома ёзув-ларини юритиш бўйича жорий йилнинг шу кунига қадар тугу-лиш 333 тани, ниҳоят 132 тани ташкил этди. Ердан сўраб кел-ган 151 нафар фуқарога ҳуқуқий томондан кўмаклашилди. Бундан ташқари, Минск конвенцияси талаблари асосида 12 та сўровно-ма келган ҳамдўстлик давлатла-

рига гувоҳномалар юборилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 242, 365-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш борасида маҳал-лалар, мактаблар ва бошқа жойлар-да ҳуқуқий тарғибот ишлари авж ол-дирилди. Ниҳоятдан кўра шунинг-барчаси тиббий кўриқдан ўтказил-ди.

Афсуски, гуруҳнинг қурмағи бўлганидек, ниҳоят жойда аж-ралиш ҳам бор. Шу мақсадда туш-

## ИНСОНСАН - ҒУРУР БИЛАН ЯША

Деҳқонобод туман ФХДё бўлими жамoаси таж-рибали ва салoхиятли ҳуқуқшунос Назира Тошму-родова раҳбарлигида фаол меҳнат қилмоқда. Жо-рий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 728 та тугу-лиш, 173 та ниҳоят тугулисиди дадалoлатномалар қайд этилиб, фуқароларга тегишли гувоҳномалар ёзиб берилди. 39 нафар гўдакка оталик белги-ланди. Шулардан биттаси суд қарорига асосан амалга оширилди. 4 таси эса фуқароларнинг ари-засига кўра далoлатнома ёзувига тузатишлар кир-ритилди. Сарфланган гувоҳномалар учун жами 1 миллион 203 минг 37 сўм герб йиғими, 248 минг 149 сўм давлат божи, 852 минг 390 сўмлик пул-лик хизмат кўрсатилди.

Жойларда тушунтириш ва тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди. Масалан, Оқрабoт ва Янги қиш-лоқда «Соғлом онадан соғлом бола» мавзусида суҳ-бат ўтказилди. «Аэродрoм» маҳалла фуқаролар йи-ғинидаги «Соғлом оила» деб аталган учрашув со-атлари кўтаринки руҳда ўтди. У йиғилганларнинг барчасида ҳаяжон ва қизиқиш уйғотди. «Ўзбекис-тон» мактабининг юқори синф ўқувчи қизлари бил-ан «Шахсий гигиена - соғлиқ гарови» мавзусида дилдан суҳбатлашилди. Айниқса, Фафур Гулом, Нодира номи маҳаллаларда, Оқтош, Етим қудуқ, Гумбулоқ, Бозортепа қишлоқларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари оид «Ҳуқуқингизни бил-ласизми?», «Оилада эр-хотиннинг бурч ва мажбу-риятлари», «Оилада ота-она ва фарзандлар бурч-лари» мавзусидаги мулоқотлар гоёят самарали бўлди.

**А.ИСКАНДАРОВА**

ган 6 та ариза синчиқлаб ўрганил-ди. Ақралмоқчи бўлаётган эр-хотин-лар билан яқиндан суҳбатлашилди. Рафаэль ва Татьяна Сараджянлар арзимас сабаб билан ажралишмоқ-чи эди. Суҳбат мобайнида маълум бўлдики, бу жуфтлик ҳамон бир-би-рини севади. Ажралишга эса асос йўқ. Совуқчилик туша бошлаган кўнгил торлари чертилди. Икки ёш ярашди. Ариза қайтариб олинди.

**Х.ЖУМАОБОВ, Учқудуқ шаҳар ФХДё бўлими мудир**

## Рағбар ишни ташкил этиши, жамoа аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шaroит яратиб бериш билан бир каторда меҳнатнинг ҳавфсиз бўлишиги, ишловчиларнинг соғ-омон меҳнат қилиш-лари учун ҳам жавобгардир. Бу талаблар унутилган жойда эса ҳар хил кўнгилсизликлар келиб чиқмасли-гига ҳеч қим қабил бўла олмайди.

Анджон шаҳрида рўйхатдан ўтган «Мир XXI» кўп тармоқли хусусий фир-ма раҳбарлари (биринчи на-ватбда унинг директори Т. Борисенко) бунинг унутган кўринида. Негаки, жамoада ишловчилардан фақат меҳ-нат қилиш талаб қилинади, ҳоло. Уларга ҳавфсиз ва беҳатар ишлаш, бунинг учун меҳнат ҳавфсизлиги қонун-қоидалари бўйича ўқитиш, амалий машғулот-лар ўтказиш, вақти-вақти билан ишловчиларнинг бу борадаги билимларини тек-шириб бориш раҳбарлар-нинг ҳаёлига ҳам келмаган. Оқибат нима бўлди?

Фирманинг 8 нафар ашо-синида «Учқўрғон» ҳиссадор-лик жамияти худудидаги қунжара оморхонасининг баландлиги 18 метрли би-носини таъмирлашга кириш-ган бир пайтда иморатнинг ён томонида ишчилардан С. Штедьман ва Д. Аҳмадуллин-лар тепадан паства қараб ўзининг кават деворини бўй-лаб ишлари билан банд эдилар. Улар ишлаётган осма ҳавога тахталардан

ясалган бўлиб, пўлат арқон-лар ёрдамида кўтариб-туши-ришга мослаштирилган эди. Бўёқчилар куннинг биринчи ярмида учинчи қаватнинг де-

## РАҲБАР МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАЧ

разаларига етиб боришди. Бу вақтга келиб соат миллири кундузги ўн иккинчи кўрсата-ётганди.

Бўлди! Етарли! Мен туш-лиқка кетдим, - деди иш ба-жарайтган С. Штедьман ше-ригига қараб. - Сен ҳам тез-роқ ишингни яқунлаб паства туш!

Йигит шундай дегач, осма ҳавогадан учинчи қават де-разасидан ичкарига кирди ва зинапола орқали биринчи қаватга тушиб ташқарига чи-кди. Шу пайт унинг кўзи ҳозиргина ўзи тушиб келган жойнинг пастида, дераза ро-мини кўчоқлаганича ётган шериги Д. Аҳмадулинга туш-ди.

Ҳалокат сабабини ўрганиб чиққан мутахассислар шундай

## Меҳнат муҳофазаси

тўхтама қилишди. Бўёқчи-пардозловчи С. Штедьман тушлик қилиш учун биринчи бўлиб бино учинчи қавати деразаси орқали оморбор ичкарига кирганида, оёқлари-нинг сакраши таъсирида осма ҳавога бино деворидан қочган ёки мутахассислар тили билан айтганда «ампли-

туд» ҳосил бўлган. Д. Аҳмадулин ҳам худди шу усул билан ичкарига ўтмоқчи бўлган. Лекин у қимирлаб турган осма аво-занинг тўлиқ тўхташлигини кутмаган. Бошқачасига ай-тганда, бунга сабри чидама-ган ва дераза кўзи орқали ичкарига ўтмоқчи бўлиб, бо-шини дераза кўзига суққан. Оёқлари билан эса ўтиши осон бўлишиги учун ҳаво-задан орқа томондаги тир-кач сифатида фойдаланишга уринган. Худди шу лаҳзада ҳавога девордан нари қоч-ган. Д. Аҳмадулин эса чoра-сизликдан бор кучи билан деразага тирмашган. Унинг вазни оғирлигига дош бера олмаган дераза эса ўз ўрни-дан қўчиб ишчи билан бир-

ғалида афғалат билан қол-ланган майдонга қулаб туш-ган...

Оғир жараҳат олган йи-гитни зудлик билан касал-хонага олиб боришди. Аммо жараҳатнинг мурак-каблиги тўғрили у вафот этди. Суд-тибий эксперти-заси бўйича ўлим кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жараҳати, ўпка, жигар ва томоқнинг ёрили-ши оқибатида ҳамда ўткир ички қон кетиши сабабли юз берган.

- Эндигина 34 ёшни қар-шилаган Дмитрий Аҳмадулин вафот этди, - дейди биз билан суҳбатда Наманган ви-лояти меҳнат ва аҳолини иж-тимий ҳимоялаш бош бош-қармаси йўриқчиси Аҳмад-жон Йўлдошев. - Аҳмадулин ишлаган фирма раҳбарлари ишлаб чиқаришни уюшти-ришда бoш талаблардан бири бўлган - меҳнат ҳав-фсизлиги қондаларига эъти-бор берилмаган. Бу мавзуда жамoада ҳеч қандай тушун-тириш-тарғибот ишлари олиб борилмаган. Ҳўжатлар тайёрланмаган ва тарқатил-маган. Ишчилар ўқитилма-ган. Бир сўз билан айтган-да, фирма раҳбарлари бу бо-рада масъулиятсизликка йўл қўйганлар.

**О.НАЗАРОВ**

## Жиноят ва жазо

дими кўзини шамғалат қилиб, уйига етиб келди. Иш ҳали охи-рга етмаган бўлса-да, унинг кўнгли бироз таскин топганди.

## ПАНЖАРА ОРТИДАГИ КЎЗ ЁШЛАРИ

Дориларни анча пайтгача сотмас-дан уйда сақлаб келди. Орадан бир оз мuddат ўтгандан сўнг На-сиба дориларни Наманган шаҳар Зирабулоқ кўчасида жойлашган норасмий дори-дармон бозорига олиб чиқиб, эски таниши Муҳаб-бат Абсаматовга пуллади. Аммо, бу сафар у ёмғирдан қочиб дўлга тутилди. Наманган шаҳар ИИБ ЖК ва УЖКБ тезкор ходимлари томо-нидан ўтказилган «Назорат-харид» тадбири жараёнида жиноятчилар-нинг сирини фoш этилди. Яъни Му-ҳаббат дориларни холис харидор Латифжон Султоновга қайта сота-ётган пайтда ушланди.

Х.Сулаймонов номидаги рес-публика суд-тибий экспертиза маркази томонидан ўтказилган махсус текширув хулосасига кўра Муҳаббат Абсаматовдан далилий ашё сифатида олинган дори во-

ситалари мамлакатимиз ҳудудида муомалада бўлиши қатъиян че-klangан психотроп туркимига ки-рар экан. Шунингдек, жавобгар-

нинг сумкасида текшириб кўриш учун олинган далапериодон, амигриптидин ва карбамазептин дори воситалари психотроп мод-далар туркумига кирмаслиги, улар асосан нейрoлeптик, антидепрес-санг ва тутқанoқ касалликларига қарши восита сифатида қўллани-лиши аниқланди.

Суд Насиба Алимовага ўзР ЖКнинг тегишли моддаларини қўллаб, 7 йилу 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум этиш тўғриси-да ҳукм чиқарди. Муҳаббат Абса-матовга ҳам мажбур қонун мод-даларини қўллаган ҳолда 6 йил мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Қўм шартли ҳисобланиб, унга нисбатан 2 йил синов мuddати белгиланди.

**Р.ЖУРАКУЛОВА, «Ишонч» мухбири**



